**Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар**

| | |
|---|---|
| Причины отказа (Заполняется модератором): | |
| Повторное раскрытие информации с указанием причин исправления: | “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг 1-сонли ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ |
| Type: * | Решения, принятые высшим органом |
| Вид общего собрания: * | годовое |
| Дата проведения общего собрания: * | 2022-07-07 Сегодня \| |
| Дата составления протокола общего собрания: * | 2022-07-07 Сегодня \| |
| Место проведения общего собрания: * | Тошкент вилояти Ангрен шахар Ипак |
| Кворум общего собрания: * | 99,90 |
| Ф.И.О. руководителя исполнительного органа: * | Абдураимов Ботир Тураевич |
| Ф.И.О. главного бухгалтера: * | Ширматова Динара Акбаралиевна |
| Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте: * | Ширматова Динара Акбаралиевна |
| Дата публикации: | Июль 7, 2022, 1:55 п.п. |
| Текст вносимых изменений и (или) дополнений в устав: | |
| Текст вносимых изменений и (или) дополнений в устав в формате pdf: | Выберите файл Файл не выбран |
| Ссылка на объявление на сайте эмитента: * | http://clangren.uz |
| Статус: | Подтверждено |
| Approved date: | Июль 7, 2022, 3:31 п.п. |

## Овоз бериш натижаси

| Порядковый номер * | Вопросы, поставленные на голосование * | Процент за * | Количество за * |
|---|---|---|---|
| 1 | “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши Раёсат аъзолари ва йиғилиш котибини таркибини сайлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |

| Порядковый номер | Вопросы, поставленные на голосование | Процент за | Количество за |
|---|---|---|---|
| 2 | “Ангрен логистика маркази” АЖ саноқ комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 3 | “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 4 | “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2021 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 5 | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 6 | “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 7 | “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 8 | “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |

| Порядковый номер | Вопросы, поставленные на голосование | Процент за | Количество за |
|---|---|---|---|
| 9 | “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 10 | 2021 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 11 | “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 12 | “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомини тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 13 | “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги “Ижро органи тўғрисида”ги низомини тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 14 | “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низомини тасдиқлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 15 | “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |

| Порядковый номер | Вопросы, поставленные на голосование | Процент за | Количество за |
|---|---|---|---|
| 16 | “Ангрен логистика маркази” АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 17 | Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида. | 100,0 | 0 |
| 18 | “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш тўғрисида. | 100,0 | 0 |

## Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорнинг тўлиқ шакли

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши Раёсат аъзолари ва йиғилиш котибини таркибини сайлаш тўғрисида”ги биринчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб Раёсат аъзоларини, яъни йиғилишга раислик қилувчи ва йиғилиш котибини қуйидаги таркибда сайлашни таклиф қилди: З.Шарипов - йиғилиш раиси К.Жуланов - йиғилиш котиби     Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Порядковый номер: * 1

Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши Раёсат аъзолари ва йиғилиш котибини таркибини сайлаш тўғрисида”ги биринчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб Раёсат аъзоларини, яъни йиғилишга раислик қилувчи ва йиғилиш

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

2. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ саноқ комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги иккинчи масала юзасидан сўзга чиқиб З.Шарипов саноқ комиссиясини қуйидаги таркибда тасдиқлашни таклиф қилди: 1. Джуманиязова Равшаной Калбаевна - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг Тўлов қобилиятсизлик жараёнини юритиш бўлими етакчи мутахассиси 2. Турсунқулов Шухратжон Ибрагим ўғли - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг Давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси 3. Рахматов Самариддин Сирожиддинович - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўлими бош мутахассиси Шунингдек, сўзга чиқувчи акциядорларга акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилиб кўриб чиқилгандан кейин саноқ комиссиясига овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва йиғилишда эълон қилиш учун 15 дақиқа вақт беришни таклиф қилди.     Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Порядковый номер: * 2

Полные формулировки решений, принятых общим собранием: *

| | |
|---|---|
| | 2. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ саноқ комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги иккинчи масала юзасидан сўзга чиқиб З.Шарипов саноқ комиссиясини қуйидаги таркибда тасдиқлашни таклиф қилди:<br>1. Джуманиязова Равшаной Калбаевна - Ўзбекистон |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

3. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги учинчи масала юзасидан З.Шарипов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди: - йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 15 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 10 дақиқагача; - муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш. Б.Т.Абдураимов кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш “бир овоз бериш ҳуқуқига эга акция – битта овоз” тамойили бўйича бюллетенлар орқали, Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилишини таъкидлади.     Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 3 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | 3. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги учинчи масала юзасидан З.Шарипов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди: |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

4. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2021 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги тўртинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2021 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (Ҳисобот илова қилинади).     Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 4 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | 4. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2021 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги тўртинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2021 йилги |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

5. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида” ги бешинчи масала юзасидан З.Шарипов “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (Ҳисобот илова қилинади).     Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 5 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | 5. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида” ги бешинчи масала юзасидан З.Шарипов “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (Ҳисобот илова |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

6. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги олтинчи масала юзасидан Н.Мусина сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан таништирди (Хулоса илова қилинади). Аудиторлик текшируви

натижалари бўйича “Ангрен логистика маркази” АЖнинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий ҳолати ва молиявий-хўжалик амалиётлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мос келиши тўғрисида аудиторлик хулосаси берилган.     Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 6 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | 6. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги олтинчи масала юзасидан Н.Мусина сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йилдаги молиявий- |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

7. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги еттинчи масала юзасидан У.Нурбоев сўзга чиқиб, тафтиш комиссиясининг хулосаси билан таништирди (Хулоса илова қилинади). Тафтиш комиссияси хулосасида “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил учун молиявий ҳисоботида молиявий-хўжалик фаолияти бўйича амалга оширилган кўрсаткичлар ҳаққоний акс эттирилганлиги кўрсатиб ўтилган.     Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 7 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | 7. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги еттинчи масала юзасидан У.Нурбоев сўзга чиқиб, тафтиш комиссиясининг |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

8. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида”ги саккизинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисобот билан таништирди (Ҳисобот илова қилинади).     Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 8 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | 8. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида”ги саккизинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

9. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида”ги тўққизинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил якунлари бўйича соф фойдаси 171 877 минг сўмни ташкил қилганлигини маълум қилди. З.Шарипов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил учун соф фойдани тақсимлаш масаласи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартдаги ПҚ–178-сонли қарорини инобатга олган ҳолда қуйидагича тақсимлаш тўғрисида таклиф киритди: - соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 8 593,85 минг сўмлик қисмини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан жамиятнинг захира фондига ўтказиш; - соф фойданинг 20 фоизини ташкил қилган 34 375,40 минг сўмлик қисмини жамиятни ривожлантириш учун йўналтириш; - соф фойданинг 75 фоизини ташкил қилган 128 907,75 минг сўмлик қисмини жамиятнинг акциядорларига дивиденд тўлаш учун ажратиш.     Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 9 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | |

9. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида”ги тўққизинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил якунлари бўйича соф фойдаси 171 877 минг сўмни ташкил қилганлигини

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

10. Кун тартибидаги 2021 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида”ги ўнинчи масала юзасидан Н.Мусина сўзга чиқиб, 2016 йилда Жамият томонидан “Корпоратив бошқарув кодекси” жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, 2021 йил учун “Ангрен логистика маркази” АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилганлиги, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг бу борадаги фаолияти қониқарли даражада эканлигини айтиб ўтди ва “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича фаолиятини қониқарли даражада деб топиш тўғрисида таклиф киритди.

Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 10 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | 10. Кун тартибидаги 2021 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида”ги ўнинчи масала юзасидан Н.Мусина сўзга чиқиб, 2016 йилда Жамият томонидан “Корпоратив бошқарув кодекси” |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

11. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги ўн биринчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1,4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилганлигини маълум қилди: 1) 13-модданинг: учинчи қисми чиқариб ташланган; тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисобланган; 2) 22-модда чиқариб ташланган; 3) 42-модданинг: учинчи қисми чиқариб ташланган; тўртинчи — тўққизинчи қисмлари тегишинча учинчи — саккизинчи қисмлар деб ҳисобланган; 4) 44-модданинг: учинчи қисми чиқариб ташланган; тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисобланган; 5) 60-модданинг: тўққизинчи қисми чиқариб ташланган; ўнинчи қисми тўққизинчи қисм деб ҳисобланган; 6) 62-модда: иккинчи қисми чиқариб ташланган; учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисобланган; иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилган: «умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби»; учинчи қисмидаги «ва давлат вакилига» деган сўзлар чиқариб ташланган; тўртинчи қисмидаги «ва давлат вакилига» деган сўзлар чиқариб ташланган; 7) 64-модда биринчи қисмининг: бешинчи хатбошисидаги «ва давлат вакилига» деган сўзлар чиқариб ташланган; олтинчи хатбошисидаги «ва давлат вакилига» деган сўзлар чиқариб ташланган; 8) 67-модда: номидаги «ва давлат вакилининг» деган сўзлар чиқариб ташланган; биринчи қисмининг иккинчи жумласи чиқариб ташланган; 9) 76-модданинг: биринчи қисмидаги «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилган; ўн учинчи қисми чиқариб ташланган; 10) 78-модданинг: бешинчи қисми чиқариб ташланган; олтинчи — ўн биринчи қисмлари тегишинча бешинчи — ўнинчи қисмлар деб ҳисобланган; 11) 79-модданинг саккизинчи қисмидаги «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилган; 12) 89-модданинг бешинчи қисмидаги «ўн» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилган; 13) 107-модданинг: биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилган: «Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамият уставида жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) назарда тутилиши мумкин»; қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин: «Тафтиш комиссияси (тафтишчи) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади»; иккинчи — тўққизинчи қисмлари тегишинча учинчи — ўнинчи қисмлар деб ҳисобланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2022 йил 22 апрель куни 01/08-1-18/298-сонли хат билан “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2022 йил 29 мартдаги

ЎРҚ-760-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солувчи бир қатор нормалар белгиланганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги "Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида"ги ПФ-101-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги "2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 166-сонли қарори билан давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича бир қатор талаблар белгиланганлиги муносабати билан ушбу талабларни ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, давлат иштирокидаги корхонанинг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, заруратга кўра қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш мақсадида янги таҳририни ишлаб чиқиш ва бошқарув органлари ваколатлари доирасида тасдиқлаш ва амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотни 2022 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига тақдим этишни сўраб мурожаат қилган. З.Шарипов. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонуннинг 76-моддасида акциядорларининг сони беш юздан ортиқ бўлган жамият учун жамият кузатув кенгашининг сон таркиби етти аъзодан кам бўлиши, акциядорлари сони бир мингдан ортиқ бўлган жамият учун эса тўққиз аъзодан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланганлиги муносабати билан "Ангрен логистика маркази" АЖнинг овоз берувчи акциялар эгаси тўрт нафарни ташкил этаётганлиги инобатга олиб жамият кузатув кенгаши аъзоларининг таркибини беш нафар қилиб уставда белгилашни тавсия қилди. Б.Абдураимов "Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги "Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида"ги ПФ-101-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги "2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 166-сонли қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йил 10 май кунига қадар жамиятни устави ва ички меъёрий ҳужжатларини хатловдан ўтказилиб, "Ангрен логистика маркази" АЖнинг янги таҳрирда уставини тасдиқлаш учун тайёрланганлигини ва ушбу устав лойиҳасини тасдиқлашни таклиф қилди (Янги таҳрирдаги устав лойиҳаси илова қилинади.). Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 11 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | 11. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида"ги ўн биринчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, "Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

12. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг янги таҳрирдаги "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги ўн иккинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, "Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонунининг 76-моддасини биринчи қисмидаги «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги "Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида"ги ПФ-101-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги "2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 166-сонли қарори билан давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича бир қатор талаблар белгиланганлиги муносабати билан ушбу талабларни ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида "Ангрен логистика маркази" АЖнинг "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб янги таҳрирда ишлаб чиқилганлиги тўғрисида маълумот берди ва ушбу низом лойиҳасини тасдиқлашни таклиф қилди (Янги таҳрирдаги "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низом лойиҳаси илова қилинади.). Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 12 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | |

12. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги ўн иккинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

13. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги “Ижро органи тўғрисида”ги ўн учинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонунини 79-моддасини саккизинчи қисмидаги «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сонли қарори билан давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича бир қатор талаблар белгиланганлиги муносабати билан ушбу талабларни ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида “Ангрен логистика маркази” АЖнинг “Ижро органи тўғрисида”ги низомига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб янги таҳрирда ишлаб чиқилганлиги тўғрисида маълумот берди ва ушбу низом лойиҳасини тасдиқлашни таклиф қилди (Янги таҳрирдаги “Ижро органи тўғрисида”ги низом лойиҳаси илова қилинади.). Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 13 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | 13. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги “Ижро органи тўғрисида”ги ўн учинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

14. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги ўн тўртинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонунини 107-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни инобатга олиб “Ангрен логистика маркази” АЖнинг “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низомига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб янги таҳрирда ишлаб чиқилганлиги тўғрисида маълумот берди ва ушбу низом лойиҳасини тасдиқлашни таклиф қилди (Янги таҳрирдаги “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низом лойиҳаси илова қилинади.). Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 14 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | 14. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги таҳрирдаги “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги ўн тўртинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

15. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида”ги ўн бешинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ 2009 йил 8 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хххх-сонли қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, мазкур қарорнинг 3-иловасига биноан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши аъзолари таркиби 17 нафар этиб белгиланганлиги, шунингдек, - “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши вазифаларини бажариши; - Кузатув кенгашининг аъзолари бошқа ишга ўтганда унинг ўрнига тайинланган ёхуд унинг вазифасини бажариш юклатилган шахс кузатув кенгаши аъзоси ҳисобланиши белгилаб қўйилганлиги тўғрисида маълумот берди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4136-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ахборот-таҳлил департаментлари тугатилган, “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши раиси – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинланган. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тузилган. Ҳукуматнинг тегишли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси тугатилган. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 63-моддасига асосан жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. “Фарғонаазот” АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 июндаги қарорининг 3-иловасига асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши аъзоси бўлмаса-да, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 8 майдаги 128-сонли қарорига асосан 36,36 фоиз улуш билан “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорига айланган. З.Шарипов 2014 йил 6 майда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонунини 1-моддасида 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 223-I-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланганлиги, Қонуннинг 2-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш ва давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаш вазифаси белгиланганли муносабати билан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашига номзод кўрсатиш 2009 йил 8 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хххх-сонли қарорига асосан амалга оширилмаслиги, ушбу қарор қонуний кучга эга эмаслиги, “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашига номзод кўрсатиш 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 356-сонли қарорига асосан устав капитали(фони)да давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари кузатув кенгашилари аъзолигига устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари бўйича – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилиши, устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоизгача бўлган хўжалик жамиятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий бўлинмалари билан келишган ҳолда номзодлар кўрсатиш жорий қилинганлигини маълум қилди. “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан жамият акциядорларига кузатув кенгаши аъзолигига номзодларнинг рўйхатини шакллантириш мақсадида 2022 йил 2 февраль куни LC/12-сонли хат билан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши аъзолигига номзодларни тавсия этишни сўраб мурожаат этилган. “Фарғонаазот” АЖ 2022 йил 3 февраль куни 35/445-сонли хат билан жамият Кузатув кенгаши аъзолигига “Фарғонаазот” АЖнинг логистика бошқармаси бошлиғи А.Исмаилов, “Фарғонаазот” АЖнинг ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш, стратегик режалаштириш, таннархни қисқартириш ва ресурсларни тежаш бошқармаси бошлиғи О.Азимов, “Фарғонаазот” АЖнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи А.Исмаилов номзодини тавсия қилган. “Ўзавтосаноат” АЖ 2022 йил 22 февраль куни 11/06-25-0269-сонли хат билан жамият кузатув кенгаши аъзолигига “Ўзавтосаноат” АЖ Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари А.Рафиқовни номзодини тавсия қилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2022 йил 11 февраль куни 03/08-1-18/387-сонли хат билан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши аъзолигига номзодларни киритиш бўйича рўйхат шакллантирилганлиги ва ушбу номзодларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш учун 2022 йил 28 январь куни 03/08-1-18/254-1-сонли хат юборилганлигини маълум қилган. З.Шарипов 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 356-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг янги таркибига номзодларни келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2022 йил 28 январь куни 03/08-1-18/254-1-сонли хат билан мурожаат этганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан кузатув кенгаши аъзолигига тавсия этилган номзодлар рўйхати келишилгунга қадар амалдаги кузатув кенгаши аъзоларини ваколат муддатларини узайтириш тўғрисида таклиф киритди. Б.Абдураимов “Фарғонаазот” АЖ 2022 йил 30 май куни 35/2034-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПҚ-168-сонли қарорининг 4-иловасига мувофиқ 2022 йил 8 апрель куни “Ангрен логистика маркази” АЖнинг устав фондидаги “Фарғонаазот” АЖга тегишли 36,36 % улуш(акция пакетлари)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилганлиги муносабати билан “Фарғонаазот” АЖ томонидан 2022 йил 3 февраль куни 35/445-сонли хат билан берилган жамият кузатув кенгаши таркибига номзодларни умумий йиғилиш муҳокамасига кўриб чиқиш учун киритмасликни сўраганлигини маълум қилди. Б.Абдураимов “Ангрен логистика маркази” АЖнинг амалдаги уставининг “Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар” деб номланган 20-моддасининг 20.1.-бандида жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақлилиги белгиланганлигини маълум қилди ва “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонунининг 76-моддасини биринчи қисмидаги «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилганлиги муносабати билан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг амалдаги кузатув кенгаши аъзолари З.Шарипов, А.Хайдаров, К.Жулановни ваколат муддатларини “Ангрен логистика маркази” АЖнинг янги кузатув кенгаши аъзолигига тавсия этилган номзодлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан келишилгунига қадар узайтириш ва А.Рафиқовни номзодини кузатув кенгаши аъзоси этиб уч йил муддатга сайлаш тўғрисида таклиф киритди. 1 Рафиқов Абдуваққос Воҳидович “Ўзавтосаноат” АЖ Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари 2 Шарипов Зафар Зариф ўғли Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг бўлими бошлиғининг ўринбосари 3 Хайдаров Алишер Юсуфжонович Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг бош мутахассиси 4 Жуланов Камол Жуланович Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг етакчи мутахассиси     Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 15 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | 15. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида”ги ўн бешинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ 2009 йил 8 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хххх-сонли |

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

16. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида”ги ўн бешинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг амалдаги уставининг “Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар” деб номланган 20-моддасининг 20.1.-бандида жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақлиги белгиланганлиги маълум қилди ва акциядорлар томонидан тўқсон кунлик муддатда биронта ҳам тафтиш комиссиясига аъзолигига номзодлар берилмаганлиги муносабати билан 2022 молиявий йил учун “Ангрен логистика маркази” АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш имкони йўқлигини маълум қилди. З.Шарипов жамият тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш масаласи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 22 апрелдаги 01/08-1-18/298-сон хати билан акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик фаолиятни назорат қилиш учун жамият тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) ихтиёрий равишда ташкил этилиши белгиланганлиги, бунда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори жамиятларда тафтиш комиссияси фаолиятини тугатиш масаласини акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш тўғрисида берилган кўрсатмасини инобатга олган ҳолда жамият тафтиш комиссияси фаолиятини тугатиш тўғрисида таклиф киритди.     Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

| | |
|---|---|
| Порядковый номер: * | 16 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием: * | |

16. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида”ги ўн бешинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг амалдаги уставининг “Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар” деб номланган 20-

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

17. Кун тартибидаги Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида”ги ўн еттинчи масала юзасидан Д.Ширматова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш бўйича қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан тижорат таклифлари келиб тушганлигини маълум қилди: 1. “FINTIME” МЧЖ контракт суммаси 25 000 000 сўм. 2. “ABS FINANS AUDIT” МЧЖ контракт суммаси 13 900 000 сўм 3. “LEKSAN INFO” МЧЖ контранкт суммаси 30 000 000 сўм З.Шарипов жамиятнинг 2022 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун . “ABS FINANS AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотини танлаш, контракт суммасини 13 900 000 сўм қилиб белгилаш тўғрисида таклиф киритди. Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Порядковый номер: * 17

Полные формулировки решений, принятых общим собранием: *

17. Кун тартибидаги Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида”ги ўн еттинчи масала юзасидан Д.Ширматова сўзга

**Умумий Йиғилиш Томонидан Қабул Қилинган Қарорнинг Тўлиқ Шакли:**

18. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш тўғрисида”ги ўн саккизинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан жамият ижроия органи раҳбарини тайинлаш қоида тариқасида танлов асосида амалга оширилиши тўғрисида таъкидлади. 2022 йил 2 февраль куни “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан жамият акциядорларига жамият Бош директори лавозимига номзодларнинг рўйхатини тасдиқлаш ва танлов ўтказиш масаласини кўриб чиқиш мақсадида LC/12-сонли хат билан мурожаат этилиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори лавозимига номзодларни тавсия этишни сўралган. Акциядорлар томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори лавозимига номзодлар тавсия этилмаган. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил учун тасдиқланган Бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонунининг 79-моддасини саккизинчи қисмидаги «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилганлигини инобатга олиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори Б.Абдураимов билан тузилган меҳнат шартномасини уч йилдан ошмаган муддатга узайтириш, унинг ойлик иш ҳақини 9 422 448 сўм қилиб белгилаш тўғрисида таклиф киритилди. Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Порядковый номер: * 18

Полные формулировки решений, принятых общим собранием: *

18. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш тўғрисида”ги ўн саккизинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик

## Номзодлар тўғрисида маълумот

| Порядковый номер * | Ф.И.О. * | Место работы * | Принадлежащие им акции (количество) |
|---|---|---|---|
| 1 | Рафиқов Абдуваққос Воҳидович | Ўзавтосаноат” АЖ Бошқарув раисин | 0 |

| Порядковый номер | Ф.И.О. | Место работы | Принадлежащие им акции (количество) |
|---|---|---|---|
| 2 | Шарипов Зафар Зариф ўғли | Ўзбекистон Республикаси Давлат акт | 0 |
| 3 | Хайдаров Алишер Юсуфжонович | Ўзбекистон Республикаси Давлат акт | 0 |
| 4 | Жуланов Камол Жуланович | Ўзбекистон Республикаси Давлат акт | 0 |

## Начисленные и выплаченные вознаграждения и (или) компенсации в пользу членов исполнительного органа, наблюдательного совета и ревизионной комиссии эмитента

| Ф.И.О. * | Наименование органа эмитента, членом которого является лицо * | Вид выплаты (вознаграждения и (или) компенсация) * | Начисленная сумма (сум) * | Период, за который начислены средства * | Документ, в котором предусмотрена выплата * |
|---|---|---|---|---|---|